



## ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

### СОЛИДАГОРЕН

### SOLIDAGOREN®

**Препаратнинг савдо номи:** Солидагорен

**Дори шакли:** Ичга қабул қилиш учун томчилар.

#### **Таркиби**

**фаол модда:** 10 мл (= 9,5 г) томчи 7,9 мл (1:1,5 - 2,1) золотарник ўти аралашмаси (Solidaginis herba) суяқ экстракт, ғоз панжаси ўти (Anserinae herba), дала қирқбўғими ўти (Equiseti Herba) (4,2 : 1,4 : 1), экстрагент: этанол 50 % (ҳажм нистат) сақлайди;

**ёрдамчи моддалар:** тозаланган сув, 96% этанол.

**Таърифи:** Жигар рангли тиниқ суяқлик

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** Урологияда қўлланувчи воситалар  
АТХ Коды G04BP50

#### **Фармакологик хусусиятлари**

**Фармакодинамикаси:**

Ананавий ўсимликлардан олинган дори воситаси.

Препарат бўйича алоҳида фармакодинамик текширувлар ўтказилмаган.

**Фармакокинетикаси:**

Солидагорен препарати бўйича алоҳида фармакокинетик текширувлар ўтказилмаган.

#### **Қўлланилиши**

Қовуқ (цистит) ва буйракларнинг (пиелонефрит) ўткир ва сурункали инфекцияларида асосий (базисли) даволаш, шунингдек мажмуавий даволаш компоненти сифатида қўлланади..

Буйракнинг сурункали инфекцион бўлмаган касалликлари (гломерулонефрит, интерстициал нефрит).

Сийдик тош касалликларини ҳосил бўлиши, шу жумладан уларни олиб ташлагандан кейинги профилактикада қўлланади.

#### **Болалар.**

Препаратни 12 ёшгача бўлган болаларда қўллаш чун мўлжалланган.

#### **Қўллаш усули ва дозалари**

Катталар ва 12 ёшдан катта болаларга:

20-30 томчи Солидагоренни кунига 3 марта. 30 томчи 1,4 мл га мувофиқ келади.

Солидагоренни етарлича миқдордаги сув билан қабул қилиш керак.

Қўллаш давомийлиги шифокор томонидан шахсий равишда белгиланади.

#### **Ножўя таъсири**

**Жуда кам:** ўта юқори сезувчанлик реакциялари ва аллергия реакциялар.

**Тез-тезлиги номаълум:** меъда-ичак йўллари томонидан енгил бузилишлар.

Аллергия реакцияларнинг биринчи белгилари пайдо бўлган ҳолларда (масалан, тошма) препаратни қабул қилишни тўхтатиш керак. Йўриқномада кўрсатилмаган ножўя самаралар пайдо бўлган ҳолларда шифокорга мурожаат қилиш керак.

#### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Препаратнинг фаол моддасига ёки ҳар қандай компонентларига юқори сезувчанлик.

Солидагорен препаратини Астров (Asteraceae), оиласи ўсимликларига аллергия ҳолларида

қўллаш мумкин эмас, чунки ушбу оилага мансуб ўсимликлар препаратнинг таркибига кирувчи ўсимлик экстрактини ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

#### **Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири**

Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири ҳолатлари номаълум.

Препаратда алкоголь мавжудлиги сабабли, у бошқа препаратларнинг таъсирига таъсир қилади.

#### **Махсус кўрсатмалар**

Юрак етишмовчилиги ёки буйрак етишмовчилиги чақирган шишларни диуретик даволаш учун препаратни қўллаш мумкин эмас. Бунга айниқса кексаларда қўллаганда эътиборга олиш керак.

Сийдикда қон мавжудлиги, юқори тана ҳарорати ёки симптомлар 5 кундан ортиқ сақланган ҳолларда шифокорга мурожаат қилиш керак.

Препарат 45% ҳажми нисбатда спирт сақлайди. Тавсия этилган дозага риоя қилинганда ҳар 30 томчи билан организмга 0,6 г алкоголь киради.

#### **Ҳомиладорлик ёки эмизиш даврида қўлланилиши**

Солидагоренни ҳомиладорлик ёки эмизиш даврида она учун фойда /ҳои́ла (бола) учун хавф нисбатини шифокор томонидан синчиковлик билан баҳолангандан кейингина қўллаш мумкин.

#### **Автотранспортни бошқариш ва махсус ускуналар билан ишлаш қобилиятига таъсири**

Тавсия этилган дозаларга риоя қилганда таъсир қилмайди.

Препарат болалар олаолмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилик муддати ўтгач ишлатилмасин.

#### **Дозани ошириб юборилиши**

Доза ошириб юборилиш ҳолатлари ҳақида хабар берилмаган. Доза ошириб юборилиш ҳолатларида - симптоматик даволаш ўтказилади.

#### **Чиқарилиш шакли**

Ичга қабул қилиш учун томчилар. 20 мл, 50 мл ёки 100 мл дан томчилагичли ва пластмасса бураладига қопқоқли флаконларда. 1 флакон илова-варақаси билан картон қутига жойланган.

#### **Сақлаш шароити**

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда, оригинал ўрамда сақлансин.

Ёруғликдан ҳимояланган жойда ва болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

#### **Яроқлилик муддати**

Препаратнинг яроқлилик муддати 3 йилни ташкил қилади.

Флакон очилгандан кейин яроқлилик муддати – 3 ой.

#### **Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз берилади.

#### **Ишлаб чиқарувчи**

Др. Густав Кляйн ГмбХ & Ко. КГ

Штайненфельд 3, 77736 Целль ам Хармерсбах, Германия /

Dr. Gustav Klein GmbH & Co. KG

Steinenfeld 3, 77736 Zell am Harmersbach, Germany